

**Навоий вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича
2022 йил якунлари кўрсаткичлари ва 2023 йилда амалга
ошириладиган вазифалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

2022 йилда ялпи худудий маҳсулот **105,5** фоизга (*66,7 трлн*), саноат **105,7** фоизга (*84,1 трлн*), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **103,9** фоизга (*16,1 трлн*), қурилиш ишлари **109,32** фоизга (*6,1 трлн*), чакана савдо айланмаси **112,3** фоизга (*12,2 трлн*), жами хизматлар **114,2** фоизга (*9,2 трлн*) бажарилди.

2023 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатини **105,3** фоизга (*77,1 трлн*), саноат маҳсулотлари **105,6** фоизга (*92,2 трлн*), худудий саноат **118** фоизга (*8,3 трлн*), қишлоқ хўжалиги **103,5** фоизга (*16,3 трлн*), қурилиш ишлари **106** фоизга (*6,5 трлн*), жами хизматлар **113,5** фоизга (*11,3 трлн*) етказиш чоралари кўрилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2022 йилда **189,9** мингта (*шуундан 69 мингта доимий*) иш ўринлари яратилиб, дастур ижроси **107,3** фоизга бажарилган.

Ишсизлик даражаси **8,8** фоиздан **8** фоизга туширилди.

2023 йилда **240** мингта (*шуундан 77,2 мингта доимий*) иш ўринлари яратилиши режалаштримоқда.

КИЧИК БИЗНЕС БЎЙИЧА

2022 йил давомида **4 323** та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, умумий сони **24** мингтага етказилди.

Шунингдек, фаолият кўрсатмаётган **214** та субъект фаолияти тикланди (жами *788 тадан 234 тага камайди*).

Бунинг натижада, **1,1** мингта иш ўринлари яратилиб, бюджетга кўшимча **314** млн. сўм солиқ тушуми туширилди.

2023 йилда **4,7** мингдан зиёд юридик шахсларни ташкил қилиш, фаолият кўрсатмаётган **300** та корхонанинг фаолиятини тиклаш, норасмий ишлаётган **17 433** нафар ходимнинг фаолиятини қонунийлаштириш (легаллаштириш) чоралари кўрилади.

БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА

2022 йилда кичик бизнес субъектларига **3** трлн. сўм кредит маблағлари ажратилиб, **28** мингдан зиёд иш ўринлари яратилди (*шуундан, 742 млрд. сўми қисқа муддатли ва 2,3 трлн. сўм узоқ муддатли шаклда ажратилган*).

2022 йилда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **586 млрд. сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

2023 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, тижорат банклари томонидан фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига **3,1 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

Шундан, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун **780 млрд. сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЙИЧА

Маҳалла хотин-қизлар фаоллари томонидан **532 087 нафар (100 %)** хотин-қизларнинг анкета-сўровномалари тўлдирилди ва уларнинг барчаси **“Xotin-qizlar.uz”** платформасига киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи 145-сон қарори ижроси юзасидан “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига **20,4 минг нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилиб, уларнинг **барчасини муаммолари** ҳал этилди.

2023 йилда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан “Аёллар дафтари”нинг 4-босқичига жами **30,5 минг нафар** ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилиши режалаштирилган.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” БЎЙИЧА

2023 йилда “Ёшлар дафтари”га **831 нафар** ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтоҷ бўлган ёшлар киритилиб (*режага нисбатан 27,7%*), уларнинг **223 нафариға (26,8%)** ёрдам кўрсатилди (*шартнома тўловлари тўлаб берилди, меҳнат қуроллари берилди, бандлиги таъминланди, кредит, ер ажратилди*).

2023 йил 1 февраль ҳолатига онлайн платформада **608 нафар** йигит-қиз “Ёшлар дафтари”да мавжуд бўлиб, ушбу ёшларга ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилиб, дафтардан чиқариш чоралари кўрилади.

ЁШЛАР БАЛАНСИ БЎЙИЧА

Вилоят аҳолисининг (*жами 1,03 млн.*) қарийб **52 фоизи** ёшларни ташкил қиласи. Хусусан, вилоятда **539,4 минг нафар 0-30** ёшдаги ёшлар истиқомат қилиб келмоқда.

Уларнинг **271,2 минг нафари** 14-30 ёшдагилардир.

Хатлов жараёнларида **250 729 нафар** ёшлар баланси шакллантирилди.

Шунингдек, **4 852 нафар (0,1 %)** ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритиш учун тавсия этилди.

Шунингдек, вилоятда **1 264 нафар** ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилди. Ишсиз ёшларнинг қизиқишлиари ўрганилди ва **22 та соҳа бўйича** бандлигини таъминлаш режалаштирилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ (қурилиш)

2022 йилда Инвестиция дастури ҳисобидан жами **119 та** объектда умумий қиймати **539 млрд. сўмлик**, шундан **36 та** ижтимоий соҳа объектларида ҳамда **83 та** бошқа объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Шундан, **17 таси 2023 йилга ўтувчи ва 102 таси 2022 йилда** фойдаланишга топширилган.

2023 йилда дастур доирасида жами **380,1 млрд. сўмлик 52 та** (*20 та ўтувчи, 32 та янги бошланадиган*) ижтимоий соҳа ва бошқа объектлари қурилиши белгиланган. Шундан, **6 та** соғлиқни сақлаш, **9 та** мактаб, **4 та** МТТ, **33 та** бошқа объектлар.

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИ

2022 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига асосан **22 та** маҳалладаги **330 та** объектда **280 млрд. сўмлик** қурилиш ишлари олиб борилди. Натижада **76,7 минг нафар** фуқаронинг турмуш шароитлари яхшиланди.

2023 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига асосан **22 та** қишлоқ ва маҳалларда **339,8 млрд. сўм** ҳисобидан **61 та** ижтимоий соҳа, **283 км** сув тармоғи, **224 км** ички йўллар ҳамда **5386 та** уй-жойларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари режалаштирилган.

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ

2022 йилда жами **3 236 та** хонадонли **45 та** уй-жойлар тадбиркорлар томонидан қуриб фойдаланишга топширилди.

Жумладан, **Навоий шаҳрида** **2 026 хонадонли 23 та** ҳамда шаҳарлар ва туманлардаги бошқа массивларда **22 та 1 210 хонадонли** қўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

2023 йилда қўп қаватли уй-жойлар қуриш дастурлари доирасида жами **1 666 хонадонли 40 та** қўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Хусусан:

а) “Янги Ўзбекистон” массивларида – **620 хонадонли 26 та** (шундан, *Карманада – 420 хонадонли 18 та, Қизилтепада – 200 хонадонли 8 та*);

б) Янги тартибда тадбиркорлар томонидан – **1 046 хонадонли 14 та** (*шундан, Навоий ш. – 912 хонадонли 9 та, Қизилтепада – 134 хонадонли 5 та*) қўп қаватли уй-жойлар барпо этилади.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ

2022 йилда барча манбаалар ҳисобидан **56,6 млрд. сўм** маблағ ҳисобига **52 дона** объектда **332 км** ичимлик сув тармоғи, **18 та** сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Натижада, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси **68,2** фоиздан **76** фоизга ортди.

2023 йилда аҳолини ичимлик ва оқава суви таъминотини яхшилаш мақсадида **774 км** ичимлик сув тармоғи, **27 дона** ичимлик сув иншооти қуриш ва реконструкция қилиш орқали таъминланганлик даражасини **81** фоизга етказилиши режалаштирилган.

ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ

2022 йилда барча дастурлар доирасида ажратилган **400,8 млрд. сўмлик** маблағлар ҳисобига жами **1 162,2 км** автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан **928,7 километри** ички йўлларда бажарилди.

Натижада **226 та** МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи **47,2 минг нафар** аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилди.

2023 йилда вилоятдаги **503 км** автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун жами **310 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Шундан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида **208 км** ҳамда ички хўжалик йўлларида **295 км** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ

2022 йилда жами **15,6 км** узунликдаги газ тармоқлари тортилди. Шунингдек, манзилли дастурига асосан **10,2 км** узунликдаги газ тармоғи мукаммал ва жорий таъмирланди.

Ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларга жами **13 840 тонна** суюлтирилган газ ҳамда **жами 1410 дона** шартнома асосида майший газ баллонлари етказиб берилди.

2023 йилда жами **16,7 км** газ тармоқлари тортилади, шунингдек манзилли дастурга асосан **10,3 км** узунликдаги газ қувурлари мукаммал ва жорий таъмирланади.

Ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларига жами **13 700 тонна** суюлтирилган газ ҳамда жами **1 200 дона** майший газ баллонлари етказиб берилади.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

2022 йилда **566,4 км** узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари ва **152 та** трансформатор пунктиларида янгилаш, модернизация ва реконструкция ишлари олиб борилди. Ушбу қурилиш ишлари учун **77,8 млрд. сўм** маблағ сарфланди.

Натижада **53** мингдан ортиқ хонадонлар, **608** тага яқин ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

2023 йилда жами 709,5 км узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари ва **178 дона** трансформатор пунктида янги қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш ҳамда **1 дона** подстанция қуриш режалаштирилган.

Ушбу қурилиш-монтаж ишлари учун **105 млрд. 160 млн. сўм** маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИ БЎЙИЧА

ПҚ-408-сонли қарорга асосан вилоятдаги **211 та** маҳаллада 2022-2023 йилларда **қиймати 397,7 млрд. сўмлик 295 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди.

(Ичимлик суви бўйича 55 та обьект, ички йўллар бўйича 129 та обьект, электр энергияси бўйича 16 та обьект, спорт обьектлари бўйича 13 та обьект, мактаблар бўйича 4 та обьект ҳамда бошқа йўналишилар бўйича 78 та обьект)

Бугунги кунда обьектларда **162,3 млрд. сўмлик** қурилиш ишлари амалга оширилди.

Дастур доирасида **22 та обьектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди.**

Қолган **273 та обьектда ишлар давом этмоқда.**

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

2022 йил якуни билан жами **1 184,3 млн. АҚШ долларлилик** жами **843 та** лойиҳалар ишга туширилиб, натижада **9,4 мингдан** зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шундан:

Давлат инвестиция дастури (ПҚ-72-сон қарор) доирасида қиймати **791,2 млн. долларлик 18 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **848 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, қиймати 35,9 млн. долларлик 12 та ҳудудий йирик лойиҳалар ҳисобига **375 та** иши ўринлари ҳамда қиймати **755,3 млн. долларлик 6 та** тармоқ лойиҳалар ҳисобига **473 та** иши ўринлари ташкил этилган.

Худудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати **393,1 млн. доллар** жами **825 та** лойиҳалар ишга туширилиб, натижада **8,5 мингдан** зиёд янги иш ўринлари яратилиди.

2023 йилда инвестиция дастури доирасида қиймати **1 658,5 млн. долларлик 489 та** лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига **9,1 мингта** иши ўринлари яратилиши белгиланган.

Шундан: Давлат инвестиция дастури (ПҚ-459-сон қарор) доирасида умумий қиймати **1 242,0 млн. долларлик** жами **23 та** лойихалар ишга тушириш ҳисобига **4 217 та** иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Жумладан, қиймати **168,6 млн. долларлик** **13 та** ҳудудий ийрик лойихалар ишга тушириш ҳисобига **1 230 та** иш ўринлари ҳамда қиймати **1 073,4 млн. долларлик** **10 та** тармоқ лойихалар ишга туширилиши ҳисобига **2 987 та** иш ўринлари яратилади.

Худудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати **416,5 млн. долларлик** жами **466 та** лойихаларни амалга оширилиши натижасида **4,9 минг та** иш ўринлари яратилиши белгиланган.

ТҮГРИДАН-ТҮГРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

2022 йил якуни билан **98 та** лойихалар доирасида **246,2 млн. долларлик** хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиб, белгиланган прогноз **101 фоизга** бажарилди.

2023 йилда хорижий инвестиция дастури (*ПҚ-459-сон қарор*) бўйича вилоятда **280 млн. долларлик** хорижий инвестицияларни жалб этиш белгиланган.

ХУДУДИЙ ЭКСПОРТ БЎЙИЧА

2022 йил якуни билан **200,5 млн. долларлик** шундан, **189,7 млн. доллар** саноат маҳсулотлари ва **10,8 млн. доллар** мева-сабзавот маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, режа **100 фоизга** бажарилди.

2023 йил учун вилоятга жами **233,9 млн. доллар** шундан, **218,7 млн. доллар** саноат маҳсулотлари ва **15,2 млн. доллар** мева-сабзавот маҳсулотларини экспортини амалга ошириш белгиланди.

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ

Вилоятда бугунги кунда **1 та** Эркин иқтисодий, **11 та** Кичик саноат ва **11 та** Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари мавжуд, жумладан:

Эркин иқтисодий зонаси бўйича

Худуди **644,1 гектар** бўлиб, шундан **174,1 гектар** ер майдонига (*Кармана ҳудуди 116,3, Навоий шаҳар ҳудуди 57,8*) лойихалар жойлаштирилган.

Зарурый инфратузилмаси учун ажратилган ер майдони **208,4 гектарни** ташкил этади. **Худуд тўлиқ инфратузилма билан таъминланган.**

Худудда умумий қиймати **906,7 млн. долларлик** **111 та** (*иши ўрни 10 164 та*) лойихалар жойлаштирилган.

Шулардан:

- қиймати **529** млн. долларлик **76** та (иши ўрни **6 004 та**) лойиҳа **ишга тушган**.

- қиймати **377,4** млн. долларлик **35** та (иши ўрни **4 160 та**) лойиҳа **амалга оширилмоқда**.

Бўш ер майдони **261,6 гектар** (*Кармана ҳудуди 247,7 гектар, Навоий шаҳар ҳудуди 13,3 гектар*)ни ташкил этади.

Кичик саноат зоналари бўйича

Умумий ҳудуди **112,1 гектар** бўлиб, шундан **16,75 гектар** ер майдонига лойиҳалар жойлаштирилган.

Зарурий инфратузилмаси учун ажратилган ер майдони **38,4 гектарни** ташкил этади. **Худуд тўлиқ инфратузилма билан таъминланган**.

Ҳудудда умумий қиймати **150,9 млрд. сўмлик 40 та** (иши ўрни **783 та**) лойиҳалар жойлаштирилган.

Шулардан:

- қиймати **75,1 млрд. сўмлик 22 та** (иши ўрни **423 та**) лойиҳалар **ишга тушган**.

- қиймати **75,8 млрд. сўмлик 18 та** (иши ўрни **360 та**) лойиҳалар **амалга оширилмоқда**.

Бўш лотлар сони **283 тани** (**57 гектар**) ташкил этади.

Ёшлилар саноат ва тадбиркорлик зонаси бўйича

Умумий ҳудуди **39,8 гектар** бўлиб, шундан **13,21 гектар** ер майдонига лойиҳалар жойлаштирилган.

Зарурий инфратузилмаси учун ажратилган ер майдони **7,23 гектарни** ташкил этади. **Саноат зоналарининг 4 таси** (*Навоий шаҳар, Қизилтепа, Учқудук, Нурота туманларидағи*) зарурий инфратузилма **билан таъминланган**.

Ҳудудда умумий қиймати **149,5 млрд. сўмлик 103 та** (иши ўрни **485 та**) лойиҳалар жойлаштирилган. Шулардан: қиймати **10,5 млрд. сўмлик 3 та** (иши ўрни **10 та**) лойиҳалар **ишга тушган**.

қиймати **138,9 млрд. сўмлик 100 та** (иши ўрни **475 та**) лойиҳалар **амалга оширилмоқда**.

Бўш лотлар сони **135 тани** (**19,4 гектар**) ташкил этади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БЎЙИЧА

Вилоятимизда **1 203 та** (*217 та давлат, 6 та хусусий, 78 та ДХШ, 902 та оиласвий*) мактабгача таълим ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

2022 йил яқуни билан **7 та** давлат, **2 та** хусусий, **7 та** ДХШ, **47 та** оиласвий, **58 та** янги бир йиллик мажбурий таълим гурӯхларини ташкил этиш ва мавжуд

МТТларни қувватини ошириш эвазига **67 186 нафар** 3-7 ёшли болалар қамраб олиниб, қамров **81,9 фоизга** етказилди.

Шунингдек, 2022 йил бошида вилоятимизнинг **18 та** МФЙларида мактабгача таълим ташкилотлари йўқ эди. Топшириққа асосан ушбу маҳаллаларнинг **8** тасида **17 та** оиласавий боғчалар фаолияти йўлга қўйилди (**425 ўринли**).

2023 йилда мактабгача таълим ёшидаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичини **84 фоизга** олиб чиқиши белгилаб берилди.

Бу борада, **жами 3 520 ўринли 64 та, хусусан, 860 ўринли 7 та** давлат МТТ янги қуриш ва реконструкция орқали, **525 ўринли 7 та** ДХШ асосида нодавлат МТТлар, **1 215 ўринли 50 та** оиласавий боғчалар ташкил этиш ҳамда **920 ўринли 44 та** бир йиллик мажбурий бепул тайёрлов гурӯхлар ташкил этиш режалаштирилди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ БЎЙИЧА

Навоий вилоятида **жами 363 та** умумий ўрта таълим мактаблари мактаблари фаолият олиб бормоқда.

2022/2023 ўқув йили давомида мактабларимиздаги **жами 183 810 нафар** ўқувчилар бор.

Бугунги кунда битиручиларнинг **8 964 нафари (83,4%) устоз-шогирд** анъанасига кўра **хунар билан** шуғулланмоқда.

Шунингдек, Навоий шаҳар, Қизилтепа ҳамда Учқудук туманларида касб-хунарларни ўзига хос бўлган турларини ўргатишлари азалдан йўлга қўйилганини инобатга олган ҳолда ҳар бир ҳудуддан келиб чиқиб, **9 та** умумтаълим мактабларида **касбга ўргатиш ва хорижий тилларни ўқитиш** учун жорий йилнинг **6 февралидан** жараёнлар бошланиши кўзда тутилмоқда.

“**profnavigator.uz**” платформаси орқали **74 809 нафар** 7-11-синф ўқувчилари (100%) платформадан рўйхатдан ўтиб, фойдаланмоқда.

2022 йилда жами **11 нафар хориждан жалб** этилган мутахассислар вилоятимиздаги мактабларда фаолият олиб бормоқда.

2023 йилда яна бунга қўшимча **5 нафар** мутахассисларни хорижий давлатлардан жалб қилиш режалаштирилган.

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ БЎЙИЧА

Вилоятда **25 та** профессионал таълим муассасалари (**11 та касб-хунар мактабари, 3 та колледж ҳамда 11 та техникум**) мавжуд. Ушбу муассасаларда **жами 974 нафар** педагог.

Мазкур профессионал таълим муассасаларида жами **16 563 нафар** ўқувчилар касб-хунар ўрганмоқдалар.

2021/2022 ўқув йилида тамомлаган **5 212 нафар** битирувчиларнинг **3 272 нафарини (62,8 фоиз)** бандлиги таъминланди.

2022/2023 ўқув йилидан профессионал таълим муассасаларининг **185 нафар** ўқувчиларини **ДУАЛ ТАЪЛИМ** шаклида **12 та** йирик саноат корхоналари, иш берувчи ташкилотлар ва муассасаларга бириклилган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БЎЙИЧА

Олиб борилаётган ишларимиз натижасида вилоятда олий таълим муассасалари сони **4 тага** етказилди (*шундан 2 таси хусусий*). Олийгоҳларимизда **31 минг нафар** талабалар таҳсил олмоқда.

2022 йилда **46 нафар** профессор-ўқитувчиларнинг **Россия, Қозоғистон, Португалия, Англия, Туркия, Италия, Германия, Ҳиндистон, Япония, Қирғизистон, Белорус ва Финландия** каби хорижий давлатларда малака ошириб, стажировка ўтаб қайтдилар.

Битирувчилар сони **3 299 нафар** битирувчилардан **2 731 нафарининг** (82.7%) бандлиги таъминланган.

2023 йилда ҳам вилоятдаги **4 та** олийгоҳ худудларида **1 200 ўринли** талабалар тураг жойларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2023 йилда олийгоҳларни жами **4 695 нафар** шундан, **2 820 нафар** навоийлик битирувчилар тамомлайдилар.

СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА

2022 йилда 28 та (*шундан 4 та оилавий поликлиникалар, 24 та оилавий шифокорлик пунктлари*) бирламчи тиббиёт муассасалари фаолият бошлади.

Вилоядаги **330 та** маҳаллалардан **123 тасида** тиббиёт муассасалари мавжуд эди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қолган **89 та маҳаллаларда** тиббиёт пунктларини ташкил этилиб хозирги кунда **212 тасида** тиббиёт муассасалари мавжуд .

Амалга оширилган ишлар натижасида **120 минг нафар** аҳолига **2 км. масофага** овора бўлиб бормасдан яшаш уйига яқин жойда сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришилмоқда.

Бундан ташқари, оила шифокори ва патронаж ҳамширалар томонидан **уйма-уй юриш ишларини кучайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.**

Жумладан, ташкил этилган **513 та** тиббиёт бригадалари томонидан хозирга қадар **221,5 минг та аҳоли хонадонларига** кирилди.

Юқоридаги ишлар натижасида, тез тиббий ёрдамга келиб тушаётган мурожаатлар **26 фоизга** камайди.

Инвестиция дастури доирасида 2022 йилда **59 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлса, **96 сўмдан ортиқ ишлар бажарилган.**

2023 йил Инвестиция дастурига асосан **23,5 млрд. сўм** сўм ажратилмоқда.

ПАХТАЧИЛИК БЎЙИЧА:

2022 йил вилоятда пахтачилик соҳасида жами **31 655** гектарга яқин майдонларга чигит экилиб, ушбу майдонлардан жами **115 108** тонна (100,1%) пахта хом-ашёси етиширилди.

Натижада вилоятда пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичи ўтган **2021** йилга нисбатан **2,3** центнерга ошди. Яъни, 2021 йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги **34,1** центнерни ташкил қилган бўлса, **2022** йилда бу кўрсаткич **36,4** центнерни ташкил қилди.

2023 йил вилоятда жами **28 155** гектар майдонларга чигит экиш ва ушбу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртacha **40** центнердан, ялпи **115** минг тонна пахта хомашёси етишириш режалаштирилмоқда.

ҒАЛЛАЧИЛИК БЎЙИЧА:

2022 йил вилоятда ҳосили учун жами **34,3** минг гектарда ғалла парвариш қилиниб, ҳар гектар ердан ўртacha **76,1** центнердан ялпи **261** минг тоннадан ортиқ дон йигиштириб олинди.

2023 йил вилоятда давлат эҳтиёжлари учун **34,3** гектарда ғалла парвариш қилинмоқда ҳар гектар ердан ўртacha **79** центнердан ялпи **270** минг тонна дон йигиштириб олиш режалаштирилмоқда.

Шундан **86,5** минг тоннаси давлат эҳтиёжларига топшириш кўзда тутилган.

ПИЛЛАЧИЛИК БЎЙИЧА:

2022 йил вилоятда жами **20 558** қути ипак қуртлари парвариш қилиниб, ялпи **1 129,5** тонна пилла хомашёси йигиштирилиб олиниб шартнома **100,4** фоизга бажарилди.

2023 йил вилоятда жами **21 619** қути ипак қурти парваришлаб, **1 200** тонна пилла хомашёси етиширилиши режалаштирилган.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИ

2022 йилда вилоятда жами **3 853** гектар майдонларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, жумладан **2 443** гектарда томчилатиб суғориш **1 224** гектарда ёмғирлатиб суғориш ва **186** гектарда дискрет усулида суғориш технологиялари ишлари ташкил этилди.

Бундан ташқари **11 800** гектар майдонлар лазерли ускуналар билан текисланди.

2023 йилда вилоятда жами **25** минг **4** гектар майдонларда сувни тежайдиган технологиялари жорий етиш белгиланган (шундан, **10 562** гектар пахта майдонларида, **1 716** гектар боғларда, **1 453** гектар токзорларда, **3 433** гектар бошқа экинлар майдонларида томчилатиб сугориш, **1 840** гектар ёмғирлатиб сугориш ҳамда **500** гектар пахта майдонларида дискрет усулида сугориш).

Бундан ташқари, **5 500 гектар** ер майдонлари лазер текислагичлар билан текислаш режалаштирилмоқда.

ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА:

2022 йилда вилоятда чорвачилик тармоқларда жами 81 **та ёки 186,8 млрд. сўмлик** лойиҳалар амалда барчаси тўлиқ **100 фоизга** бажарилди.

Натижада 2022 йил якуни билан гўшт ишлаб чиқариш ҳажмларини **180,6 минг тоннага** (тирик вазнда), сут ишлаб чиқариш ҳажмларини **520,6 минг тоннага** тоннага, тухум етиштириш ҳажмларини **385,4 млн. донага**, балиқ етиштириш ҳажмларини **14 минг тоннага** ва парранда гўшти етиштиришни **7,1 минг тоннага** етказилди.

2023 йилда вилоятда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш мақсадида **275,3 млрд. сўмлик** **96 та** лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган.

БОГДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК

2022 йилда 340 гектар майдондаги яроқсиз боғлар ўрнида янги интенсив боғлар барпо этиш режалаштирилиб, амалда **201 гектар** майдондаги яроқсиз боғлар ўрнида янги интенсив боғлар барпо этилди ҳамда **718 гектар** майдондаги яроқсиз узумзор ўрнида янги узумзор барпо этиш режалаштирилиб, амалда **691 гектар** майдондаги яроқсиз узумзорлар барпо этилди ва жами **520 гектар** интенсив боғлар ва **1 970 гектар** майдонларда янги узумзорлар барпо этилди.

2023 йилда 1 645 гектарда боғ барпо этиш, **1 101 гектарда** токзорлар барпо этиш режалаштирилган.